# I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 3368,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,3 % га ўсди.

2019 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига ЯҲМ 1221,3 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,3 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Наманган вилоятининг қўшган ҳиссаси 3,7 % ни ташкил этди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш**
***(январь-март ойларида)***

| | ***млрд.сўм*** | | ***2018 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида*** |
|---|---|---|---|
| | ***2018 йил*** | ***2019 йил*** | |
| **I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами** | **2653,1** | **3368,4** | **104,3** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати | 2559,8 | 3192,8 | 104,3 |
| Маҳсулотларга соф солиқлар | 93,2 | 175,6 | 105,5 |
| **II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати** | **2559,8** | **3192,8** | **104,3** |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 710,1 | 805,4 | 102,1 |
| Саноат *(қурилишни қўшган ҳолда)* | 555,4 | 729,3 | 106,0 |
| саноат | 407,2 | 551,1 | 105,7 |
| қурилиш | 148,2 | 178,2 | 106,7 |
| **Хизматлар** | **1294,4** | **1658,1** | **104,8** |
| савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 303,1 | 365,4 | 106,5 |
| ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари | 243,5 | 264,8 | 102,7 |
| бошқа хизматлар | 747,8 | 1027,9 | 104,8 |

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркибидаги улуши**
*(фоизда)*

Жорий йилнинг январь – март ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (105,7 %), қурилиш (106,7 %), савдо, яшаш ва овқатланиш хизмати (106,5%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (102,7%) ҳамда тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 66,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь – мартда 69,8 фоизни ташкил қилган.

2019 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 51,9 фоиз (2018 йил январь-мартда 50,6 фоиз)ни ташкил қилди.

**2018 йил январь-март**




**2019 йил январь-март**




- **Маҳсулотларга соф солиқлар**
- **Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати**
- **Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги**
- **Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)**
- **Хизматлар**